



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Янгийул туманидаги «Марақанда плюс Файз» фермер хўжалигига қарашли интенсив боғда мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағиш-лаб экологик акция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Экоҳаракат фаоллари, аграр соҳа мутахассислари, ёшлар иштирок этди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сурхондарё вилоятининг шаҳар ва туманларида «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси ўтказилмоқда. Денов туманида ўтказилган акцияда аҳолининг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган алоҳида эътибор, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт каби соҳаларда эришилган ютуқлар хусусида фикр алмашилди. Тадбир доирасида ташкилот ва корхоналар, таълим муассасаларида «Ўзал ва бетақорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!» шори остида учрашувлар ташкил этилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди хайрия тадбири доирасида Корея Республикасининг «Junior Chamber International - JCI» халқаро ёшлар ташкилоти молиявий кўмағида юрағида туман нуқсонни бўлган бир гуруҳ ўзбекистонлик болаларнинг Жанубий Кореядаги етакчи клиникалардан бирида даволанишини ташкил этди.

Яқинда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида юрағида туман нуқсонни бўлган 25 бола тиббий куридан ўтказилди. Уларнинг 4 нафари Ча университетини қосидаги «Пундан Ча» госпиталига даволаниш учун юборилди.

Тошкентдаги халқаро Вестминстер университетиде ёшлар бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш бўйича уч ойлик дастур бошланди.

Дастурда олий ўқув юрталари талабалари ахборот хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва йўл инфратузилмаси, тиббиёт, молия ва тўлов тизимлари, тўқимачилик ва мода, таълим, юриспруденция, ресторан бизнеси каби йўналишларни ўз ичига олган IT-лойиҳалари билан иштирок этаётир.

ЎЗА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Замонавий савдо мажмуаси

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини янада оширишда юксак самаралар бермоқда.



Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Тадбиркор Абдукарим Сакоснов аҳолига қулайлик яратиш, намунали савдо хизмати кўрсатиш мақсадида тижорат банкидан олинган қарийб 10 миллиард сўмлик кредит ва шахсий маблағи эвазига замонавий савдо мажмуаси барпо этди. Бу ерда 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисми касб-хунара коллежани битирган ёшлардир.

Навоий шаҳрида «Янги ҳаёт» савдо мажмуаси иш бошлади.



Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА муҳбири

Касаба уюшма спорти

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан пойтахт меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатишга эътибор кучайтирилиб, улар фаолиятини такомиллаштириш борасида самарали натижаларга эришилмоқда.

Соғлом турмуш тарзи

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида касаба уюшма ташкилотларини тузиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида белгиланган имтиёз ҳамда қулайликлардан фойдаланишини таъминлаш масаласи-

га алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда.

Меҳнаткашлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш ҳам куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб



қолмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, иш берувчиларнинг мазкур масалага эътибори кучайтирилиб, турли тармоқларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида ишдан ажралмаган ҳолда «Ходимлар гимнастикаси» йўлга қўйилган.

▲(2)

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Бир ватан ичинда жаммиз, иноқмиз

«БАУРИМ» ДЕБ, СИЗНИ АЛҚАЙМАН

Умрнинг ўтмоғини қаранг. Соҳларда қиров, юракда безовталик. Лекин ҳали-ҳануз кўнгли тебранишлари, хўрсинишлари ўша-ўша. Ҳислар, туйғулар, тасавурлар тиниқлашган холос.

Тинчлик, хотиржамликда ўтаётган, невараларнинг шўх-шодон қўйқирқилари, эркаланишлари эшитилиб турган ҳар оғим — байрам. Тақдир аъмолимга Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетақорор юрда яшаш бахтини битган Аллоҳга чексиз шукрлар қалбимни бутунлай забт айлаган.

Эҳтимол, сизда ҳам шундай бўлар, йиллар ўтгани сари болалик хотиралари хаёлни бостириб келаверади. Чалғитишга ўзимда куч тополсам қоши.

Нима қилайки, болалигим билан мақтанолмайман: «Мен бир қаро кунда туғилдим...» Йўқчилик, қашшоқлик, зўравонлик но-чор оиламизни Мирзачўл ерларининг бир чеккасига — шўрўзақ адирларига улқотириб ташлади. Ўша давр — эллигинчи йилларда Сирдарё тумани, собиқ тузум доҳийларидан бирининг исми билан аталувчи хўжалик — ташландиқ замин макон бўлди, бизларга. Ерости сувлари юзага яқин, шўр кўпчиган далалар. Сизот сувлари билан тўлган, қамишзор, балчиқ ҳиди анқиб турадиган канал бўйи. Атроф паст-баландлик, нотекислик.

Отам, энам даладан бери келмас, арзимас чой-чақа рўзгорга гоҳ етиб, гоҳ етмай, ҳафталаб қора қозон қайнамасди. Бир парча ердан олинмаган деҳқончилик нъматлари, қўни-қўшидан келадиган сут-қатиқ оиланинг жонига оро кирарди.

Аммо на отам, на энамнинг нолиганини ҳеч қачон эшитмаганман. Қўшимиз — Жоржин аканинг «Гўрўғли», «Алломиш», «Қунтуғмиш» дostonларини хазин, юракни эзадиган оҳангда берилиб ўқишлари, қўни-қўшилар сандал атрофида жам бўлиб, мижжа қоқмай эшитишлари хаёлимга муҳрланиб қолган.

Қарангки, шу кичик ҳудуднинг ўзида ўнга яқин миллат ва элат вакиллари ёнма-ён, қўни-қўшни бўлиб истиқомат қилишарди. Миллатини сўраш, қаердан, қайси юртдан кўчиб келганини суриштириш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Ўзга миллат вакиллари маҳаллий аҳолининг урф-одат, анъана, удум ва маросимларини пухта ўзлаштириб олган эдиларки, тўйлар, маъракаларнинг кўп жиҳатлари бир-бирига ўхшаб кетарди.

▲(3)

Август — ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи

Дақиқаси ғанимат дамлар

Пахтакорларимиз учун август ойи ўта долзарб саналади. Чунки шу даврда кўсакка кўсак қўшилади, ҳосил етилади. Ушбу паллада омилкорлик билан иш юритган, ғўзани меҳру эътибор билан парваришлаган деҳқон даласида мўл ҳосил учун пухта замин яратилади.

Тасарруфимиздаги ер майдонларининг ҳар гектаридан 90 центнердан пахта териб олишга эришиб келаямиз. Соҳа ходимлари билан суҳбатлашганимда юқори ҳосил олишининг сири ҳақида кўп сўрашади. Бу жуда оддий. Асадда ғўза қатор ораларига «шарбат» оқишини қанда қилмаймиз. Экинлар маҳаллий ўғитлар билан озиклантирилади.

Хусусан, ўзим раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида бу юмушга жиддий эътибор қаратилаётир. Мазсулиятли иш билан банд сувчиларга етарли шароит яратишга ҳаракат қилаяпти. Уларнинг меҳнати асосан тунда бўлганлиги учун бепул иссиқ оқват ташкил этилган. Дам олиши учун дала шийпонимизда махсус хона ташкил этилиб, барча қулайлик яратилган.

Ишчиларга ойлик маошидан ташқари қўшимча муқофотлар бераямиз.

Вилоятимиз деҳқонлари бу йил 88,7 минг гектар майдонда ғўза парваришлашаётир. Кўкламдаги табиат инжиқликлари туфайли экин парваришида анча мураккаблиқлар туғилди. Бой берилган фурсатларнинг ўрнини тўлдириш учун деҳқонларимиз астойдил меҳнат қилди. Айни ҳал қилувчи ғўзаларда ҳам ҳар бир фурсатни ғанимат билиб дала ишлари ташкил этилапти. Уйлайманки, бу йил ҳам олдимизга қўйилган вазифани муваффақиятли адо этамиз. Айни пайтда ғўзаларда кўплаб ҳосил нишоналари борлигини кўриб қўзингиз қувнайди. Бу эса мўл-кўл ҳосилдан дарақдир.

Аваз ҲОСИЛОВ,
Каттақўрғон туманидаги
«Ҳосил» фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон Қаҳрамони



БУГУННИНГ НАФАСИ

Соғлом турмуш тарзи



«(1)»

Шунингдек, меҳнат ва ўқув жамоаларида касба уюшма аъзолари, ёшлар, фахрийлар ва жисмоний имконияти чекланган инсонларни спортга жалб этиб, улар саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш аъёнана айланган.

Жамоа шартномалари орқали ташкилотлар тасарруфидаги спорт иншоотларини иш берувчилар томонидан зарур жиҳозлар билан таъминлаш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини спорт билан шуғулланишига имкон яратиш борасида ҳам ибрат олса арзиғулик натижаларга эришилмоқда. Шу мақсадда жамоа шартномаларига тегишли бандлар киритилгани айтиш мумкин.

Пойтахт меҳнаткашлари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Касаба-тур» веломарафони, «Спорт — саломатлик гарови» каби мусобақаларда ҳам фаол иштирок этипти. Айниқса, Таълим, фан ва маданият, Аграр саноат мажмуи, Давлат муассасалари, Соғлиқни сақлаш, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаларининг сайёҳаракатларини эътироф этиш лозим. Мазкур тармоқлар тизимидаги меҳнат жамоаларида, хусусан, Чилонзор туманидаги 200-, 217-, 195-, 178-, 162-, Сергели туманидаги 300-, 104-, 2-, Миробод туманидаги 263-, 57-, 328-умумтаълим муассасалари, «Чилонзор» савдо маркази, «Карвон» МЧЖ ходимлари, тумандаги солиқ ва банк идоралари ходимлари ўртасида турли спорт мусобақалари уюшқоқлик билан ўтказиб келинмоқда.

— Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш меҳнаткашларимиз учун кундалик эҳтиёжга айланиб қолди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Миробод туман кенгаши раиси Н.Насриддинова. — Чунки, ҳаракат — ҳаёт демок. Жисмоний тарбиянинг интизом, ирода, уюшқоқлик, меҳнатсеварлик каби қимматли фазилатларни шакллантиришдаги ўрни меҳнат жамоаларида кенг тарғиб этилаётгани ҳам ўз таъсирини ўтказиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, корхона, ташкилот ва муассасаларда соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлашга замин ҳозирламоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши матбуот
хизмати раҳбари

Менга сўз беринг

ҚАЛЪЛАРДА ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ



Рахмон МАДРАЙИМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон республикаси бўйича масъул ташкилотчиси:

— Мамлакатимизнинг шимолӣ минтақаси — Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мустақиллик йилларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар берди. Пухта ўйланган, боқичма-боқич амалга оширилган ислохотлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси оддий агар улканда замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси, транспорт-коммуникация тармоқлари ривожланган минтақага айланди.

Мустақиллик йилларида бу заминда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй берган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Марказий Осиёда ягона, саҳро бағридаги мўъжиза — Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси, Қўнғирот карбид, Нукус мрамор ва кабел заводалари, Урга газ кони, «Элтекс» ва «Катекс» каби замонавий ишлаб чиқариш объектлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали, Олимия захиралари коллежи бинаolari, уялаб умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, болалар спорти, болалар музика ва санъат мактаблари... Бундай мухташам иншоотлар истиқлол шарофати тўғрисида барно бўлди.

Биргина Нукус шаҳридаги бунёдкорлик ишларини кўриб, Амир Темури бобомизнинг «Кимки бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилса, қурдирган биналаримизга боқсин» деган сўзларини бот-бот эслагим келаверади. Яқин йиллар ичида шаҳарда амалга оширилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кўламини рақамлар билан таққослаш қийин. Айниқса, «Дўстлик» канали икки ёқасида барно этилган иншоотлар кўрган кўзларни қувонтириши тайин.



Эргаш БҮРИЕВ,
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Бугун Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйини муносиб қутиб олиш — ҳар биримизнинг чин ниъатимизга айланган. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори юртдошларимиз қалбини ифтихор туйғулари билан тўлдирди.

Мустақиллик барча соҳалар ривожига кенг йўл очиб берди. Одамларнинг руҳи ва кайфиятини сарбаланд қилди. Айниқса, ёшларимизнинг ишжояти, изланувчанлиги мени лол қолдиради. Уларнинг бир неча соҳаларни бир варакайга олиб боришлари, зафар кетидан зафар қўчаётганликлари ҳавасимни келтириб, ихлосимни орттиради. Ҳа, бугунги ёшлар — эркин, аниқ режали, ҳуқуқий ҳимояли. Беҳштиёр ўзимнинг 20-25 ёшлик кезларимни ёдга оламан. Қанчадан-қанча орзу ва гоъларим ҳадиқсираш тўғрисида уюл кетганлигимдан афсусланаман. Катта сармоя кредити, чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорлик ишларини кўриб, амалга оширса бўладиган ишлар экан-ку, дейман ҳозир.

Истиқлолнинг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўрилаётган айти кунларда ким эдигу ким бўлиди, деган саволга жавобан ҳар томонлама юксалганлигимизни, юрт фаровонлигига эришганимизни, элнинг бахту саодати, хотиржамлиги, келажаси бор фарзандларимизни эътироф этгим келади.

Давлат дастури — амалда

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши ва тизимдаги бошланғич ташкилотлар томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ижро масъулияти

Хусусан, жорий йилнинг 1-ярмида тармоқ касба уюшмаси хизматида олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишловчи аёллар манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилди. Тармоқ тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига эътибор кучайтирилди. Жамоа шартномалари ва келишуви орқали ёш оилаларга кишлоқ жойларда намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойларни сотиб олиш учун дастлабки бадалларни тўлаш учун ссудалар ажратилди. Шунингдек, ходимлар ва улар фарзандларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, санаторий ва оромгоҳларда соғломлаштириш, ёш оилаларни имтиёзли йўлланмалар билан таъминлаш ишлари амалга оширилди. Спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш, оналар ва болаларнинг тарихий шаҳарларга саёхатини уюштириш ишлари ҳам диққат марказида бўлди.

— Соғлом она ва бола йилида тармоқ тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмасининг Урганч шаҳар кенгаши раиси Ф.Болтаев. — Жумладан,

касба уюшмалари тизимидаги «Умид гулшани» санаторийсида ёш оилаларнинг 2 нафари бепул соғломлаштирилди. «Хоразм шакар» корхонаси ишчиларига 50 миллион сўмлик фозисиз ссудалар ажратилди. Янги ташкил этилган корхона ва муассасаларда бошланғич касба уюшма ташкилоти тузилиб, жамоа шартномалари имзоланди. Натижада, нодавлат секторидagi корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимлар ҳам бугун жамоа шартномаларида белгиланган имтиёз ва қўлайликдан фойдаланмоқда. Уларнинг тарихий шаҳарларга саёхати уюштирилиб, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши

учун етарли шарт-шароит яратиб берилаяпти. Ходимлар ўртасида спортнинг оммавийлигини оширишга йўналтирилган мусобақалар сони ҳам, сифати ҳам ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, тармоқ касба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши тизимида кировчи бошланғич ташкилотларнинг барчасида «Аёл борки олам мунаввар» мавзусидаги тадбирлар, «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга», «Касаба уюшмалари — болаларга» акциялари доирасида маданий-маърифий тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ташкил этилиб, уларда 1000 дан ортиқ хотин-қизлар иштирок этдилар.

Биргина «Касаба уюшмалари болаларга» акцияси доирасида кенгаш томонидан соҳа ходимлари фарзандларидан 140 нафарининг диққатга сазовор масканларга саёхати ташкил этилган бўлса, юзлаб болажонлар учун маданият ва истироҳат боғларида кўнгилочар тадбирлар уюштирилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати

Тадбир

Бугун мамлакатимизнинг барча худудларида мустақиллигимизнинг 25 йиллиги кўтаринки кайфият ва улкан ютуқлар билан қутиб олинмоқда. Ушбу байрамга «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» гоёсини ўзида мужассам этган ҳолда ҳозирлик қўрилаётганлиги ҳаммамизга юксак гурур ва ифтихор бағишлайди. Мухтарам Ўртбошимизнинг «Токи шу муқаддас заминда яшайтган ҳар бир инсон истиқлолнинг қадрини билсин. Уни катта бойлик, ўзлигини англаш, ўзини озоод инсон деб ҳис этиши учун берилган беҳиёс имконият деб қабул қилсин...» деган сўзлари истиқлолимизнинг энг қадри нэмат эканлигини яна бир бор калбимизга мустажо қилади.

«...Жоним сенга фидо Ўзбекистоним!»
«Навоийазот» АЖда мамлакатимиз Президентининг «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида маънавий-маърифий тарғибот гуруҳи билан учрашув бўлиб ўтди. Кечада Навоий шаҳар Маънавият тарғиботи бўлими раҳбари С.Очилов, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вакили М.Раҳмонов, Шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакили Л.Туробова, «Камолот» ЁИХ етакчиси Н.Умаров, касба уюшма кўмитаси раиси Т.Рўзимуродов сўзга чиқиб, эришилаётган ютуқлар, юрт тинчлиги йўлида олиб борилаётган ишлар, миллий қадриятларимизни асраш борасида маъруза қилдилар. Мулоқот асосида ёшларни юксак маънавиятга, сиёсий жиҳатдан ҳушёр қилиб воёга етказиш, турли ахборот хуружларига нисбатан оғоҳ бўлишлари юзасидан олиб борилаётган ишлар кенг таҳлил этилди. Анжуманда кимёгарлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.
Алижон ҲАМДАМОВ,
«Навоийазот» АЖ касба уюшма кўмитаси мутахассиси

Ҳунар — зар

Ишбилармон оила

Фаргона вилояти Тошлоқ туманидаги Садада кишлоғида яшовчи хунарманд Миродил Мансуров оилавий тадбиркорлик асосида дурадгорлик цехини ташкил этган.

Ушбу цехда тайёрланаётган эшик, ром, сўри, хонтахта каби дурадгорлик буюмлари юқори сифати ва ҳамён-боплиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Оила бекаси Шаҳноза Мансурова тикувчилик касби билан оила бюджетига ўз хиссасини қўшмоқда.

СУРАТДА: Миродил Мансуровнинг дурадгорлик устанонасида.

Ўза фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ
олган сурат



Акция

Инсон кўнглини кўтариш учун бир оғиз ширин сўз, вақтида кўрсатилган эътибор кифоя. Шунинг ўзи ҳаётга бўлган муҳаббатнинг ортишига, ишлаш учун ишжоят кўрини оловлантиришга етарли бўлади.

Меҳр-эътибор оғушида

«Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» акцияси доирасида кўмитамиз томонидан «Наманган юк авто» ДУК ходими Адхамжон Маматовга ҳамда Чуст туманидаги «CHUST-FOROVER» МЧЖ ходими Малика Аминовага «Косонсой» санаторийсига бепул йўлланма берилди. — Тармоқ касба уюшма вилоят

кўмитаси раиси Илҳомжон Султонов кўлидан ушбу йўлланмани олар эканман, қадр топганимдан, ҳар бир ходим ижтимоий мавқеидан қатъий назар касба уюшмаларининг эътиборида эканлигидан тўлқинландим, — дейди М.Аминова. — Олти йилдан бери аҳил жамоанинг бир аъзоси сифатида иш-

лаб келмоқдамиз. Ташкилотимиз касба уюшмаси сафини тўлдирганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмади. Шунга қарамай кўпгина имкониятлардан унумли фойдаландик. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида бугунгидек эътиборга сазовор бўлганимдан, аввало, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармоқ касба уюшма кўмитасига чқур миннатдорлигимни билдираман.

Феруза ЭРМАТОВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилоят ташкилотларининг Бирлашган касба уюшма кўмитаси мутахассиси

Соғломлаштириш

Мавсум шуқуҳи

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Китоб туман кенгаши томонидан тармоқ тизимидаги таълим муассасаларида меҳнат қилаётган оилаларнинг 225 нафар фарзанди Яқкабоғ туманидаги Мирзо Улуғбек ва Шаҳрисабз туманидаги «Зиё чашмалари» оромгоҳларида имтиёзли йўлланмалар билан дам олдирилди.

Соғломлаштириш масканларида ташкил этилган турли тўғарак машғулоти, сайр-саёхатлар, спорт мусобақалари, истиқлолнинг 25 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар ҳамда қўлга киритилган ютуқларга бағишланган «Бу менинг Ватаним!» мавзусидаги расмлар танлови болажонларда бир олам таассурот қолдирди. Фаол иштирокчилар касба уюшмаси туман кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Баҳриддин ЭГАМБЕРДИЕВ,
тармоқ ходимлари касба уюшмаси Китоб туман кенгаши раиси

Кўнғирот туманидаги «Жайхун-1» болалар дам олиш марказида айти кунларда 90 нафар ўғил-қиз таътилни ўтказаяпти.

— Масканимизда фаолият юритаётган ходимлар зарур йўриқнома ва методик қўлланмалар билан таъминланган, — дейди бош етакчи Венера Ешанова. — «Обод эл фарзандларимиз», «Куч-билим ва тафаккурда», «Кўнвоқ стартлар», «Эртақлар — эзгуликга етаклар» каби тадбирларимиз болаларга манзур бўлаётди.

Соя-салқин жойда, дам олувчилар ўртасида ташкил этилаётган ҳар бир тадбир уларнинг фаоллигини ошириб, иқтидор ва истеъодларини кашф этишга ёрдам бераёпти. Уқувчилар ўз хоҳишига кўра тўғаракларга жалб этилган. Дам олиш марказида «Компютер саводхонлиги», «Моҳир қўллар», ракс ва спорт тўғараклари фаолият кўрсатмоқда.

— Ушбу оромгоҳга ҳар йили дам олгани келаман, — дейди тумандаги 36-мактаб ўқувчиси Айзада Ўралбаева. — Бу галгиси янада кўнгили кечди. Кўпгина янги дўстлар орттирдим. Ташкил этилаётган тадбирларнинг қизиқарлилиги тўғрисида зериқишга умуман вақт йўқ. Саломатлиги малакали шифокор ва ҳамширалар назоратида бўлган болажонлар маҳорат билан ширин таомлар тайёрлаётган ошпаз опаларининг меҳрибонлигидан мамнун.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» муҳбири

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

XXXI Ёзи Олимпия ўйинлари

Ҳеч ким бўш келмаяпти

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзи Олимпия ўйинлари тобора қизгин паллага кириб бормоқда. Вазни 60 кг. гача бўлган боксчилар ўртасидаги беллашувларда Хуршид Тожибоев ўзининг иккинчи жангини ўтказди. Бу сафар ҳамюртимиз британиялик Жозеф Гординага қарши рингга кўтарилди.



Рақибга нисбатан фаолроқ ҳаракат қилган Хуршид барча раундларни ўз фойдасига ҳал қилди. Энди ушбу вазн тоифасида уни Олимпия ўйинлари медалидан бор йўғи битта беллашув ажратиб турибди. Агар Хуршид чорак финалда ҳам галаба қозона олса, камиди бронза медалига эга чиқади. Аммо бу осон кечмаслиги аниқ. Чунки чорак финалда боксчимизга бразилиялик Робсон Консейсао рўбарў келади.

Бокс бўйича вазни 49 кг. гача бўлган «чарм қўлқоп» усталари ўртасидаги жангларда қатнашаётган Ҳасанбой Дўсमतов дастлабки жангда мексикалик Хоселито Велазуэга қарши рингга чиқиб, рақибга ҳеч қандай имконият қолдирмади. 91

Ҳ. гача бўлган боксчилар ўртасида Рустам Тўлаганов илк беллашувда эквадорлик Хулио Цезар Кастиллини 3:0 ҳисобида енгиб, чорак финалга йўл олди.

Академик эшак эшиш бўйича бахсларда Шаҳбоз Холмирзаев саралаш бахсларидан муваффақиятли ўтди. 2000 метр масофага 7 дақиқа-ю 14.58 сония натижа билан маррага иккинчи бўлиб етиб келди. Афсуски, чорак финалда омад ундан юз ўғирди.

Оғир атлетика бўйича «В» гуруҳида кураш олиб борган Достон Ёқубов даст кўтаришда дастлаб 133 кг., кейин 137 кг. тошни ўзига бўйсундирди. Лекин 140 кг. вазни кўтариш унга насиб қилмади. Силтаб кўтаришда Достон 176 кг. ни кўтарди. Бироқ кейинги уриниш муваффақиятсиз чиқди. У ўз иштирокини гуруҳда олтинчи ўринда якунлади.

Дзюдо бўйича -81 кг. вазнда татамига чиққан Шаҳзод Собиров биринчи беллашувда фикхлик Хосетекки Наулуни иппон баҳоси билан мағлуб этди. Афсуски, кейинги босқичда дзюдочимиз Травис Стевенс (АҚШ)га имкониятни бой берди.

Аҳдам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Туризм

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази қасаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида тоғ ёнбағрида жойлашган «Наврўз» дам олиш масканига сайхат уюштирилди. Сафар давомида Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган «Авлиё-Булок» мажмуаси ҳам зиёрат қилинди.

Мароқли сайхат

Марказ ходимлари бу ердаги меъморийлик иншоотлари билан танишиб, табиат гўзаллигидан баҳра олдилар. Сайхат давомида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида фототанлов ҳамда ходимлар ўртасида спортнинг мини-футбол, бадминтон ва сузич турлари бўйича аънаванавий «Спортчи ходим — 2016» мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларда ёшлар билан бирга кексалар ҳам иштирок этди. Фойиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Б.ҒУЛОМОВ, «Ижтимоий фикр» маркази қасаба уюшма кўмитаси раиси



Қувватловчи рюкзак

HP компанияси гаджетларни қувватлаш учун мўлжалланган 2 аккумуляторли рюкзак PowerUp Backpacks тақдим қилди. Бу ҳақда The Verge хабар бермоқда.




Аккумулятор рюкзакнинг махсус чўнтагида жойлаштирилган бўлиб, у ёрдамида ноутбук, планшет, смартфон ва бошқа қурилмаларни қувватлаш мумкин. Кабеллар ва ўтказгичлар рюкзак тўпламига қиради, рюкзакда улар учун кичик тешикчалар мавжуд.

Компания аккумулятор қуввати битта ноутбукни ёки 10 та смартфонни тўлиқ қувватлашга етишни ваъда қилмоқда. Рюкзак аккумулятор элементлари хароратини қузатувчи ва уларни қизиқ кетишдан сақловчи махсус датчиклар ўрнатилган. Шунингдек, тўпламга ёмғирдан сақловчи ғилоф қиритилган. Рюкзакнинг буюртма бўйича нархи 199 долларни ташкил қилади ва у 1 октябрдан сотувга чиқарилади.

Сунъий онг ташхис қўймоқда

Японияда IBM компанияси муҳандислари томонидан яратилган компьютер «онги» беморда лейкозиянинг камёб турини аниқлаб, унинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам берди. Бир неча ой аввал 60 ёшли аёлга нотўғри ташхис қўйилган, бироқ сунъий интеллект деярли 10 дақиқада ҳалокат билан туғайи мумкин бўлган хатони тўғрилашга муваффақ бўлган. Бу ҳақда The Medical хабар бермоқда.



Watson суперкомпьютери беморга аниқ ташхис қўйиб, унинг генетик кўрсаткичларини бошқа маълумотлар билан таққослаш ҳамда даволаш муолажаларини белгилаш учун айнан шунча вақт талаб қилинди. NDTV телеканалининг хабар беришича, бундан аввал Watson бошқа бир миқозда ҳам камёб онкологик касалликни аниқлаган.


Дастлаб Токио университети қошидаги Тиббиёт фанлари институти олимлари аёлга ўткир милоиди лейкозия ташхисини қўйишди. Саратонга қарши турли дори воситалари билан даволаш ҳеч қандай натижа бермаганидан кейин шифокорлар IBMга ёрдам сўраб муурожаат қилишга қарор қилишди.

Бир неча йилдири, Watson касалликларга ташхис қўйиш билан шуғулланади. Бугунги кунда даволаш йўлини танлаш учун шифокорларга бир неча ҳафтадан бир ойгача вақт кетмоқда. Суперкомпьютер эса бир неча дақиқа ичида аниқ натижани кўрсатади.

«Он» жуда кўп илмий журналлар ва клиник синовлар маълумотларига қира олади. Суперкомпьютер шу тариха инсониятнинг онкологик касалликларни даволаш соҳасидаги барча билимларини жамлаб, хаттоки ўлим ёқасидаги кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Киприк қоқиб суратга олинг

Samsung компанияси дисплей ва у ўлчамли камерага эга линзаларни ишлаб чиқариш учун патент олди. Бу ҳақда компаниянинг расмий сайти маълум қилди.



Мақсуд линза ёрдамида шунчаки киприк қоқиб, исталган манзарани суратга олишингиз мумкин. Ақлли линзалар бошқаларидан унча фарқ қилмайди. Фарқи шундаки, у кўзда ақс этган тасвири дисплейга узатади.

Шунингдек, линза суратга олинган тасвирларни махсус антенна ёрдамида исталган гаджетга, масалан, смартфонга узатиш мумкин. Бундан ташқари, смартфон ёрдамида линзаларни турли дастурларга созлаш имкони мавжуд.

Компютер ёзган роман

Бир гуруҳ олимлар жамоаси сунъий онг ёрдамида «Компютер роман ёзган кун» номи қисқа роман яратишди. Япониянинг Хакодате Келажак университети олимлари томонидан яратилган ушбу асар Nikkei Hoshi Shinichi адабий мукофотига лойиқ кўрилди.

The Japan News маълумотига кўра, ушбу танловга 1450 та асар тақдим этилган. Шундан 11 таси алгоритмлар ёрдамида ёзилган. Ҳайъат аъзолари қайси бири инсон қўли билан, қайси бири сунъий онг ёрдамида яратилганини ошқор этишмаган.

— Мазкур роман бадий жиҳатдан мукамал яратилганидан хайратландим. Бироқ қаҳрамонлар характери очиб беришда бир мунча камчиликлар кўзга ташланади, — дейди илмий фантаст Сатоши Хасэ.

— Шу пайтга қадар сунъий онгдан асосан «ёни» мавжуд бўлган илмий масалаларни ҳал этишда, турли электрон ўйинларни ўйнашда фойдаланиларди. Мен келгусида бу имкониятдан бадий ижодда ҳам фойдаланишга қарор қилдим, — деди профессор ва жамоа раҳбари Хитоси Мацубара. Маълумотларга кўра, роман ёзиш учун олимлар мақсуд дастурга бош қаҳрамонларнинг тарихи ва ҳоли, сюжет тавсифи, асосий жумла ва ибораларни киритишган.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Қарши педагогика коллежи воҳадаги етакчи таълим масканларидан биридир. Бу ерда 4000 нафарга яқин ўқувчи таҳсил олади.

Коллеж маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитаси ёшларнинг чуқур билим олиши, етук кадр бўлиб етишиши учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қилмоқда. Ўқувчилар эса турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этапти. Масалан, мазкур коллеж ўқувчиларидан ташкил топган «Қалқон» жамоаси «Сиз қонунни биласизми?» танловининг Қарши шаҳар босқичида голиб бўлди. Шунингдек, таълим муассасасининг «Халоскорлар» жамоаси ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Ёш кўтарувчилар» мусобақасининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллади. Хуррам Азизов шогирдлари 14 та касб-хунар коллежи жамоалари ўртасида амалий ва назарий билимлари билан етакчи эканликларини намойиш қилишди.

Коллежда жисмоний тарбия ва спорт ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Баскетбол бўйича қизлар ва йигитлар жамоаларига «Баркамол авлод» мусобақалари вилоят босқичи голиблиги насиб этгани ҳам бежиз эмас. Дзюдо курашчилари эса умумжамоа ҳисобида вилоятда фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Бу ютуқларда мураббийлар Ботир Боймуродов, Гулнора Тўраева, Сардор Маҳмудовнинг хизматлари катта.

— Таълим муассасамизда нафақат Қашқадарё, балки қўшни вилоятлар, хатто Туркменистон Республикасидан келган ёшлар ҳам таҳсил олишди, — дейди қасаба уюшма кўмитаси раиси Амрилло Тўхтаев. — Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида коллеж хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти, акробат-ресторс маркази билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Олти йўналишда таълим берилаётган коллежда 2015 — 2016 ўқув йилида 1334 нафар йигит-қизга битирув дипломлари топширилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Соғломлаштириш масканларида

Китоб — ақл чироғи

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжини қондириш, китобга қизиқишини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Темирўлчилар ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Республика кенгаши Марказий кутубхонаси томонидан «Бурчи-Мулло» ва «Қи-рай» оромгоҳларида ўтказилган «Китоб — ақл чироғи» мавзусидаги тадбир ана шу эзгу мақсадларни яна бир бор намойиш этди.

Тошкент вилоятининг хушманзара табиати бағрида жойлашган дам олиш масканларида ҳордиқ чиқараётган ёшлар турли тадбирларда ўз қизиқиши, лаёқати бўйича билим ва кўникмаларини синовдан ўтказиш имконияти яратиб берилаётганидан мамнун.

— Болажонларнинг ёзги таътилининг мазмунли ўтказиш мақсадида Республика кенгаши томонидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди, — дейди Марказий қасаба уюшма кутубхонаси директори Дилафруз Қаримова. — Хусусан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган ушбу тадбирлар ёш ав-

лодни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтириш, айниқса, уларда китобга бўлган меҳрни уйғотиб, мутолаа маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбир давомида болажонлар китоблар кўргазмаси, қизиқарли викториналар, «Китоб — менинг дўстимдир» мавзусида расмлар танловиди қатнашди. Фаол ва голибликни кўлга киритган ўғил-қизларга тармоқ ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Хулқар ҚОТАМБОЕВА



Ў.А. сурати

Экология

Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги

Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳитга боғлиқ. Табиий муҳитнинг ифлосланиши киши соғлиғига зарарли таъсир кўрсатади. Табиий омиллар, масалан, шамол ҳаракати натижасида чанг микдори ортиб кетади, вулкон отилишидан ҳаво ифлосланади. Лекин кейинги вақтларда инсон омилли таъсирида атроф-муҳитнинг ифлосланиши кучайиб, табиий ифлосланишдан бир неча баробар зиён келтираётгани кишини ташвишлантиради.

Жумладан, кўплай сонаот корхоналари фаолияти ва транспорт ҳаракати натижасида ажралаётган газ, тутун мунтазам равишда атмосфера ҳавосини ифлослан-тирмоқда, сув ҳавзаларига оқова ва зовур сувлари оқизилмоқда. Деҳқончилик қилинаётган ҳудудларда кўплай қимматли ашё (пецидид)лар қўлланилиши туфайли туپроқда захарли моддалар тўпланиб бора-япти. Акс таъсирини қарангки, қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши қўлланиладиган пестицидлар инсон организмига ўта салбий таъсир кўрсатади. Бир йилда дунё миқёсида пестицидлардан 1 млн. киши захарланади, улардан тахминан 15-20 мингги ҳаётдан кўз юмади.

Бундан ташқари, оғир металлларнинг салбий таъсири, айниқса, катта. Масалан, кўрғошин асаб тизими касаллинишига олиб келади. Симоб инсон организмига овқат орқали кириб, кўпроқ жигар ва буйракда тўпланади ва модда алмашинуви-ни бузади. Кадмий ҳам жигар ва буйракни емириб, организмга жиддий зарар келтиради, болалар нутқининг бузилишига сабаб бўлади. Мишьяк моддаси ҳам баъзан захарланишга олиб келади. Унинг оз миқдорда, лекин сурункасига организмга кириб бориши эса ўпка ва

тери саратонига сабаб бўлиши мумкин. Умуман олганда, оғир металлларнинг (кадмий, хром, кўрғошин, симоб, мишьяк, кобальт) салбий таъсири, улардан захарларни жиддий оқибатларни келтириб чиқаради.

Нефть ва нефть маҳсулотларининг атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига бўладиган салбий таъсиридан кўпчилик болабар, албатта. Жумладан, автомобил ёқилмасида учрайдиган бензолперин моддаси организмда ўпка саратонини вужудга келтиради. Радиоактив моддалар инсон саломатлигига энг кучли таъсир этувчи омилдир. Кўпгина оқумли ва сурункасига касалликлар (зотилжам, юрак ва буйрак касалликлари, қандли диабет, паралич ва бошқалар) ерда радиация микдорининг кўплиги билан боғлиқ. Саратон касаллиги ҳам айнан шу радиоактив моддалар таъсирида келиб чиқиши исботланган. Бу касалликлар кўпроқ ядро қуролларини синов, атом электр станцияларида бўладиган жиддий носозликлар, уран қазиб олиш жараёни билан боғлиқ ҳолда учрайд.

Углерод оксидининг ҳаводаги микдори ортиб кетиши натижасида организмда ксилороднинг етишмаслиги содир

бўлади, асаб ва юрак-қон томир тизимлари издан чиқади. Бош айланиши, бош оғриғи, кучли яллиғланиш, юракнинг тез уриши, уйқунинг бузилиши кузатилади. Фтор, фторли водород бирикмалари рухсат этилган микдордан ортиқ бўлса, тери ва кўзнинг шиллиқ пардаси қаттиқ яллиғланади, бурундан қон келади, тумов, йўталиш, астесклероз кучаяди.

Атроф-муҳитнинг турли чиқиндилар билан ифлосланиши микроблар, вируслар ва бактерияларнинг кўпайишига қулай шароит яратди, аҳоли яшаш жойларида касаллиниши кучайтиради. Кўпқаватли уйлар ва аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда маиший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги туфайли, айниқса, йилнинг иссиқ фаслиларида турли юқумли касалликлар қўпайиб, аҳолининг ич терлама, сарик, дизентерия, қизамик, бўлма каби касалликлар билан оғриши кузатилади. Кузда хазонларни тўплаб, ёқилиши натижасида ҳавода CO2 нинг микдори жуда кўпаяди. Бу ҳам инсон саломатлиги учун зарар.

Демак, атроф-муҳитнинг тоза ва соғлом бўлишига эришиш зарур. Бинобарин, ҳовлилар, кўп қаватли уйлар атрофи, сув ҳавзаларига турли чиқиндиларни ташламаслик, кўкаламзорлаштиришга жиддий аҳамият бериш, дарaxтларни асоссиз кесмаслик, уларни сақлаш ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи бўлиши лозим.

Зулхумор НУРАЛИЕВА, 1-Республика тиббиёт коллежи бошланғич қасаба уюшма кўмитаси раиси

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev. Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalimov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63. Huquq va xalqaro hayot - 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79. Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43. Reklama va e'lonlar - 256-87-73.

HUJUDLARDAGI MUXBIRLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-91) 268-92-32. Andijon - (+998-91) 475-23-60. Buxoro - (+998-93) 653-50-81. Jizzax - (+998-91) 943-67-44. Namangan - (+998-90) 260-50-77. Navoiy - (+998-93) 314-13-03. Samarqand - (+998-97) 915-50-87. Sirdaryo - (+998-90) 610-95-55. Surxondaryo - (+998-91) 233-69-07. Farg'ona - (+998-91) 141-27-70. Xorazm - (+998-90) 719-48-00. Qashqadaryo - (+998-91) 467-30-01.

Navbatchi muharrir: U.Ibodinov. Navbatchi: D.Oripov. Musahhili: S.Shodiyeva. Sahifalovchi: H.Abdullilov. Bosishga topshirish vaqti - 21:10. Topshirildi - 21:30.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hujmi 2 bosma tabaq. Buyurtma f - 815. 14176 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133. Taqdim etilgan xabar: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Molochka bank» Yashobod filiali, Bank kod: 00959, STIP: 201133889, OKONX: 87100.